

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭШМАТОВ САНЖАР АЗИМКУЛОВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ БРЕНДНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ**  
**МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ**  
**(Сут ва сут маҳсулотлари мисолида)**

**08.00.11 – Маркетинг**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021 йил**

УДК: 659.1:6П8 (575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the  
Doctor of Philosophy (PhD) on economics sciences**

**Эшматов Санжар Азимкулович**

Маҳаллий брендни шакллантиришнинг маркетинг стратегияси..... 3

**Эшматов Санжар Азимкулович**

Маркетинговая стратегия формирования локального бренда ..... 27

**Eshmatov Sanjar Azimkulovich**

Creating of marketing strategy in formation of a local brand. .... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭШМАТОВ САНЖАР АЗИМКУЛОВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ БРЕНДНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ**  
**МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ**  
**(Сут ва сут маҳсулотлари мисолида)**

**08.00.11 – Маркетинг**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Iqt755 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Икрамов Мурат Акрамович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Болтабаев Махмуджон Рустамович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Абдуллаев Илём Султонович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc03/10.12.2019.I.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил:100003, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdu@tdiu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100003, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 49 уй. Тел.: (99871) 239 – 28 - 72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdu@tdiu.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.

(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**Н.Х. Жумаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**У.В. Гафуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

**Ш.Дж. Эргашходжаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда пандемияга қадар 820 миллион киши, яъни сайёрамизнинг ҳар тўққизинчи кишиси тўйиб овқатланмайди, шулардан 113 миллионининг ҳаёти очлик туфайли қийин аҳволда эди. Коронавирус пандемияси оқибатида эса, қарийиб 1,6 миллиард киши очликка мубтало бўлиши ва 500 миллион киши қашшоқлар сафидан жой олиши мумкин<sup>1</sup>. Жаҳон озиқ-овқат маҳсулотларининг халқаро товар айирбошлашдаги улуши охириги 30-40 йил ичида кескин пасайиб, ўтган 20 йил мобайнида озиқ-овқат маҳсулотлари эса 13,1 дан 5,1 фоиз ёки 2,6 марта, сут ва сут маҳсулотларининг жаҳон савдоси таркибидаги улуши 16,6 фоиздан 7,5 фоизга, яъни 2,2 марта пасайиш кузатилган<sup>2</sup>. Оқибатда дунё озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида товар тақчиллиги рўй бермоқда.

Жаҳоннинг энг ривожланган АҚШ, Япония, Хитой, Европа Иттифоқи сингари мамлакатлари глобал бозорда рақобат устунлигини таъминлашнинг асосий стратегияси сифатида кўшимча қиймат яратиш манбаи бўлган глобал брендларга эътибор қаратиб, халқаро брендларни бошқариш сиёсати муҳим ўрин эгалламоқда. Мазкур ҳолатлар ривожланаётган мамлакатларда глобал брендларни бозордан сиқиб чиқаришга қаратилган маҳаллий брендинг стратегияларини шакллантиришни тақозо этмоқда. Шунингдек, сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар рақобатбардошлигини брендинг стратегиялари асосида оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар, жумладан, глобал брендларни яратиш, инновацион маркетинг стратегиялари асосида истеъмолчиларнинг мойиллигини ошириш, маркетинг тадқиқотларини самарали ташкил этиш, глобал брендлар билан рақобатлаша олувчи маҳаллий брендлар яратиш, рақамли маркетингнинг коммуникация каналларидан самарали фойдаланиш асосида миллий брендларнинг жаҳондаги нуфузини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш юзасидан илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистондаги сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг брендини яратиш ва унинг қийматини ошириш бўйича мавжуд салоҳиятдан етарли даражада фойдаланмаслик уларнинг маркетинг фаолиятида янги ёндашувлар, воситалар ва брендларнинг моделларидан фойдаланишни талаб этади. Шу муносабат билан, мавжуд бюджет чекловлари ва рақобат муҳитининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, максимал истеъмолчи ва кўшимча қийматга эга брендни ривожлантириш жараёнини самарали ташкил этишнинг назарий ва услубий ёндашувларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Бу ҳолатлар маҳаллий ишлаб чиқариш ва савдо корхоналари фаолиятида бренд стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни қийматини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда. Ўзбекистонда бу борада

---

<sup>1</sup> Бекмуродов А.Ш., Мустафакулов Ш.Э. Пандемия ва озиқ-овқат хавфсизлиги: Сабаб ва оқибатлар. //Халқ сўзи, 2020 йил апрель.

<sup>2</sup> Мировой рынок продовольствия в эпоху «генной» революции, 2020, изд. «Экономика»; «Food and Agriculture Organization» халқаро ташкилотининг расмий статистикаси.

муайян тадбирлар белгиланиб, уларнинг ижросини таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатлар тобора кучайтирилмоқда. Бу жараёнда, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, маҳаллий маҳсулотларни янги технологиялар асосида ишлаб чиқариш, уларнинг рақобатдошлигини ошириш муҳим йўналишлар сифатида белгиланган<sup>3</sup>. Мазкур вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш эса сут ва сут маҳсулотлари маҳаллий брендини шакллантиришнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги ПФ-5303-сон «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 13 декабрдаги ПФ-5598-сон «Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувиغا рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳақида ахборот тизимларини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сон «Тадбиркорлик ва инновациялар соҳаларидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 22 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, шунингдек, соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уни маркетинг муаммоларини ҳал этиш, жумладан, сут ва сут маҳсулотлари маҳаллий брендини шакллантиришнинг илмий-назарий жиҳатлари кўплаб хорижлик олимларнинг илмий ишланмаларида ўз аксини топган. Бу борада Г.Ассэль, G.A.Churchill, T.J.Brown, Ph.Kotler, K.L.Keller, I.Setiawan, H.Karatajaya, N.K.Malhotra, D.Kennedy, V.D.Praet, J.Salenbacher A.Traindl, J.Trout, P.Doyleнинг илмий ишлари классик асарларга айланган<sup>4</sup>.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони /Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

<sup>4</sup> Ассэль Г. Маркетинг: Принципы и стратегия. – М.: Инфра-М., 1999; Churchill G.A, Brown T.V. Basic marketing research, -Thomson, United States, 2010; Kotler Ph. Marketing essentials. –Prentice Hall, United States, 2019; Kotler Ph., Setiawan I., Kartajaya H. Marketing 3.0: From Products to Customers to the Human Spirit. – wiley, 2012.; Malhotra N.K. Marketing research an applied orientation. – Prentice Hall, United States, 2016; On Stratogic Marketing. Harvard Business review Press, - Boston, Massachusetts, 2019; Kennedy Dr No B.S. Guide to Brand – Boston, Massachusetts, 2019; Kennedy Dr No B.S. Guide to Brand – Building by Direct Response – Entrepreneur Press, 2014, Praet V.D. Unconscious Branding. How neuroscience can empower marketing. – Prentince Hall, USA, 2012, Salenbacher J. Creative personal branding. –BIS Publishers, 2013, Traindl A. Store branding excellence. – retail

Ушбу узоқ хориж олимлари маркетинг, маркетинг стратегияси ва брендни шакллантиришга қўшган салмоқли ҳиссасига қарамай, сут ва сут маҳсулотлари маҳаллий брендини шакллантириш бўйича маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш масалалари деярли ўрганилмаган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида бу борада Г.Л.Багиев, В.М.Тарасевич, А.Буланов, А.О.Веселова, А.М.Годин, Е.П.Голубков, Е.Ю.Гречин, М.О.Макашёв, П.Правда, И.Я.Рожков, В.Г.Кисмеришкин сингари олимлар илмий тадқиқотлар олиб борганлар<sup>5</sup>. Мазкур тадқиқотларда бренд назариялари, истеъмол товарлари брендини шакллантириш ва брендинг стратегияларини ишлаб чиқишнинг илмий-назарий жиҳатлари ёритилган бўлсада, сут ва сут маҳсулотлари брендини шакллантириш бўйича маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш масаласи ўрганилмаган.

Республикамизнинг иқтисодчи олимларидан С.С.Гулямов, А.Ш.Бекмуродов, М.Р.Болтабоев, М.А.Икрамов, А.А.Фаттахов, Ш.Ж.Эргашходжаева, М.С.Қосимова, А.Н.Самадов, И.С.Хотамов, Л.Т.Абдухалилова, Б.Н.Мамаев ва бошқалар маркетинг фанини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлар<sup>6</sup>. Бу муаллифлар асосан замонавий маркетинг назариясини янги маълумотлар билан бойитиб, маркетинг тадқиқотлари муаммоларини илмий таҳлил қилиш билан боғлиқ бир қатор масалаларни ҳал этишга эришган. Бироқ озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, сут ва сут маҳсулотлари маҳаллий брендини шакллантиришнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш масаласи ўрганилмаган. Мазкур диссертация тадқиқотида айнан шу жиҳатлар ўрганилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, ОТ-Ф1-161-рақамли «Халқаро стандартларни жорий қилиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатдошлигини ошириш услубиётини такомиллаштириш» мавзусидаги фундаментал тадқиқотлар лойиҳаси доирасида бажарилган.

---

/branding. -2011., Trout J. Big Brands Big Trouble. – John Wiley & Sons, Inc. New York, 2013, Doyle P. Marketing management and strategy. –Pearson Education, London, 2002.

<sup>5</sup> Багиев Г.А., Тарасевич В.М. Маркетинг –Спб.: Питер, 2012; Буланов А. Бренд 2.0. От философии к практике. –М.: Красная звезда, 2014; Веселова А.О. Развитие маркетинга в молочном продуктовом подкомплексе. –М.: 2010; автореф. дисс., Годин А.М. Брендинг.–М.: Финпресс, 2008; Гречин Е.Ю. Создание брендов. –СПб.: Питер, 2018; Макашёв М.О. Бренд-менеджмент. –СПб.: Питер, 2018; Правда П. Бренд личности. –М.: Омега Л., 2018.; Ражаков И.Я., Кисмерешкин В.Г. Брендинг. –М.: Юрайт, 2013.

<sup>6</sup> Гулямов С.С., Жумаев Н.Х., Рахманов Д.А., Тошходжаев М.М. Ижтимоий соҳада инвестициялар самарадорлиги. –Т.: Iqtisodiyot, 2019; Бекмуродов А.Ш. ва бошқалар. Strategik marketing. – Т.: TDIU, 2010; Болтабоев М.Р. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси. – Т.: Фан, 2004., Икрамов М.А., Пардаев М.К., Абдухалилова Л.Т. Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлил. – Т.: Sano-standart, 2019; Фаттахов А.А., Акуфриев А.И. Маркетинговые и логистические технологии в коммерческом бизнесе. – Т.: Иқтисодиёт дунёси, 2019; Эргашходжаева Ш.Д., Самадов А.Н., Шарипов И.Б. Маркетинг. – Т.: Iqtisodiyot, 2013; Эргашходжаева Ш. Инновацион маркетинг. – Т.: Чулпон, 2014.; Qosimova M.S., Ergashhodjaeva SH., Abduhalilova L.T., Muhitdinova V., Yuldashev M. Strategic marketing. – Т.: O'qituvchi, 2004; Хотамов И.С. Брендинг. – Т.: ТДИУ, 2016.; Абдухалилова Л. Гўшт ва сут маҳсулотлари маркетинги стратегияси (Тошкент вилояти мисолида). – Т.: ТДИУ, 2005, диссерт.автореф; Мамаев Б. Озиқ-овқат товарлари бозорларида маркетинг тадқиқотларини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2011.

**Тадқиқотнинг мақсади** сут ва сут маҳсулотларининг маҳаллий брендини шакллантириш бўйича маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бренд ва брендинг тушунчаларининг мазмуни ва моҳиятини ёритиб бериш;  
сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг рақобатдошлигини оширишнинг маркетинг стратегиясини аниқлаш ва тизимлаштириш;

илғор хорижий компаниялар тажрибаларини ўрганиш асосида сут ва сут маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиш, уларнинг эҳтиёжларини қондириш ва корхонанинг бренд нуфузини кўтариш;

сут ва сут маҳсулотлари брендини шакллантиришда маркетинг стратегияларидан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

маркетинг комплексидан самарали фойдаланиш асосида сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқараётган корхоналар маркетинг сиёсатини шакллантириш механизмини ишлаб чиқиш;

сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона ва тадбиркорлик субъектларининг озиқ-овқат хавфсизлигига қўшаётган ҳиссасини аниқлаш;

сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг маҳаллий брендини шакллантириш орқали уларнинг рақобатдошлигини ошириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

маҳаллий брендларни баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

сут ва сут маҳсулотлари брендини шакллантириш бўйича маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларининг маркетинг фаолияти олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳаллий брендини шакллантириш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида статистик таҳлил, омилли таҳлил, сўров, танланма кузатув, график талқин, эксперт баҳолаш, SWOT таҳлил сингари усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

маҳаллий брендинг стратегиясини шакллантиришда сут ва сут маҳсулотларининг истеъмолчилар ўртасидаги таниқлилиқ даражаси ҳамда корхонани бозордаги фаолият кўрсатиш муддатининг минимал чегаралари белгиланган;

мижозларнинг бренддан қониқишини ўлчашнинг индексли усули брендни ташкил этувчи имиж ҳамда бренд идентификацияси омиллари асосида такомиллаштирилган;

сут ва сут маҳсулотлари бозорида маҳаллий корхоналарнинг бренд қийматини яратиш стратегиясини ишлаб чиқиш жараёни маркетинг микс ва корпоратив имиж принциплари асосида такомиллаштирилган;

сут ва сут маҳсулотлари бозорида маҳаллий брендларни шакллантириш стратегияси истеъмолчиларга йўналтирилган мойиллик кўрсаткичларини эътиборга олиш асосида ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

бренд ва брендинг стратегияси озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, сут ва сут маҳсулоти ишлаб чиқарувчи тадбиркорларга сотув сиёсатини тўғри йўлга қўйиш имкониятини яратади;

брендни баҳолаш методикаси корхона ва тадбиркорлик субъектлари брендларини шакллантириш, уларни силжитиш ва рақобатдошлигини оширишга хизмат қилади;

умумжаҳон, мамлакат ва маҳаллий брендларнинг хусусиятлари, тадбиркорлар фаолиятида корхона ёки маҳсулот брендини ишлаб чиқишга ёрдам беради;

SPSS дастурлаш тизими катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлашга ва шу асосда бренд қийматини яратиш стратегиясини ишлаб чиқишга қўмаклашади;

муаллиф томонидан таклиф этилган назарий ва амалий ишланмалар олий ўқув юртида маркетинг, брендинг, брендни бошқариш ва бошқа махсус курсларда ўқитилаётган маъруза ва амалий машғулотларида фойдаланилади;

маҳаллий брендни шакллантириш алгоритмининг дунё бозорига чиқиши, рақобатдошликни таъминлашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари ишончлилиги илғор хориж тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш, озиқ-овқат тармоғида халқаро маркетинг стратегияларини шакллантиришни такомиллаштириш борасидаги мавжуд илмий тадқиқот ишларини қиёсий ва танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, ахборотлар базаси миллий (давлат статистика қумитаси) ва халқаро нуфузли ташкилотларнинг расмий манбалари асосида шаклланганлиги ва уларнинг самарали таҳлили, жумладан, SPSS дастурлаш тизимидан фойдаланиш орқали қайта ишланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маркетинг стратегияларини шакллантириш ва улардан келгусида сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва тадбиркорлар фаолиятини ривожлантиришга бағишланган махсус стратегик дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда маҳаллий брендни шакллантиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни республикамизда фаолият юритаётган тадбиркорлар учун рақобатбардош бўлишда ўзининг брендини ишлаб чиқишга ёрдам беради, бозор шароитида уни баҳолаш имкониятини яратади. Тадқиқот натижаларидан «Брендинг», «Брендни бошқариш» фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Маҳаллий брендни шакллантиришнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

маҳаллий брендинг стратегиясини шакллантиришда сут ва сут маҳсулотларининг истеъмолчилар ўртасидаги таниқлилик даражаси ҳамда корхонанинг бозордаги фаолияти муддатининг минимал чегараларини белгилаш бўйича берилган илмий янгилик «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси таркибидаги «Bio Natural Food» МЧЖнинг «Доброе деревенское утро»/«Меҳрибон қишлоқ тонги» брендини шакллантиришда қўлланилган. («Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компаниясининг 2020 йил 25 июндаги БИ/11-1-833-сон маълумотномаси). Ушбу илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши натижасида «Доброе деревенское утро»/«Меҳрибон қишлоқ тонги» брендининг бозордаги улуши 1,2 фоизга, маҳсулотнинг сотиш ҳажми 1,4 фоизга ошган;

мижозларнинг бренддан қониқишини ўлчашнинг индексли усулини брендни ташкил этувчи имиж ҳамда бренд идентификацияси омиллари асосида такомиллаштириш бўйича берилган илмий янгилик «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси таркибидаги корхоналари фаолиятига жорий этилган. («Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компаниясининг 2020 йил 25 июндаги БИ/11-1-833-сон маълумотномаси). Ушбу илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши натижасида «Bio Natural Food» МЧЖнинг «Доброе деревенское утро»/«Меҳрибон қишлоқ тонги» брендининг, «Favorit milk FOOD» МЧЖнинг «Favorit milk» брендининг, «Bio sut» қўшма корхонасининг «Bio sut» брендининг маркетинг стратегиялари ишлаб чиқилган;

сут ва сут маҳсулотлари бозорида маҳаллий корхоналарнинг бренд қийматини яратиш стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнини маркетинг микс ва корпоратив имиж принциплари асосида такомиллаштириш бўйича берилган илмий янгилик «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси фаолиятига жорий этилган («Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компаниясининг 2020 йил 25 июндаги БИ/11-1-833-сон маълумотномаси). Мазкур илмий янгиликни амалиётга жорий этилиши натижасида «Доброе деревенское утро»/«Меҳрибон қишлоқ тонги», «Alsafi» брендлари бўйича ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сотиш ҳажми 2,1 фоизга, доимий истеъмолчилар сони эса 3 мартага ошган;

сут ва сут маҳсулотлари бозорида маҳаллий брендларни шакллантириш стратегиясини истеъмолчиларга йўналтирилган мойиллик кўрсаткичларини эътиборга олиш асосида ишлаб чиқилган илмий янгилик «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компаниясининг Маркетинг ва озиқ-овқат товарларини экспортини ташкил қилиш бошқармаси фаолиятига жорий этилган («Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компаниясининг 2020 йил 25 июндаги БИ/11-1-833-сон маълумотномаси). Мазкур илмий янгиликни амалиётга жорий этилиши натижасида «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси таркибидаги сут маҳсулотларини қайта ишловчи «Bio Natural Food» масъулияти чекланган жамиятида истеъмолчиларнинг мойиллик дастури ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган Республика илмий журналларида 3 та илмий мақола, хорижий журналларда 5 та илмий мақола ва 7 та маъруза тезислари чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 та боб, 9 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, унинг ҳажми 140 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Рақамли иқтисодиёт шароитида маҳаллий брендни шакллантиришнинг назарий ва услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида, маҳаллий бренд тушунчасининг иқтисодий мазмуни ва моҳияти, маҳаллий брендни шакллантиришнинг методологик ёндашувлар ва принциплари ўрганилган, сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш бўйича маркетинг стратегиялари тизимлаштирилган ва таснифланган.

Илмий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида муаллиф томонидан бренд ва маҳаллий бренд, савдо маркаси ва савдо белгиси сингари тушунчалар, уларнинг мазмуни ва моҳияти изоҳлаб берилган, савдо маркасини брендга айланиш назариялари ўрганилган. Ўзбекистонлик олимларнинг илмий адабиётларида, кўпроқ савдо маркаси (trade mark) тушунчаси ишлатиб келинган. Маълум шароитларда «бренд», «савдо маркаси» ёки «нуфуз» (имидж)дан синоним тариқасида фақатгина мазмуни тўғри келгандагина фойдаланиш лозим.

Муаллифнинг фикрича, **бренд** – истеъмолчилар онгида барқарор тасаввурлар бирикмаси бўлиб, маҳсулотнинг индивидуаллиги, юқори сифат кафолати, қайтарилмаслик, рақобатли устунликни таъминловчи, товар ёки хизмат қийматидан мустақиллигини акс эттириши тушунилади. **Маҳаллий бренд** эса, аниқ ҳудуд бозорида истеъмолчилар онгида маҳсулотнинг таниқлилигини таъминловчи барқарор тасаввурлар бирикмасидир.

Брендлар инсон ресурсларидан кейин моҳияти ва салмоғи бўйича фирма активида иккинчи ўринда туради. Буюк Британия, Гонконг ва Австралияда бухгалтерия ҳисобида улар номоддий активлар тариқасида балансида ҳисобга олинса, АҚШда компаниянинг нуфузига кириб, уларнинг бозор қийматини оширишга хизмат қилувчи восита сифатида қаралади. Замонавий маркетингда бренд товар инсоннинг эҳтиёжини қондириш воситаси сифатида ўрганилади. Маҳаллий бренд қанчалик кучли бўлса, улар эгаларига рақобатда устунликлар яратиш имконини беради.

Айниқса, сут ва сут маҳсулотларида ишлаб чиқарувчилар кўпайган сари истеъмолчиларнинг таниқли брендларга нисбатан бошқа маҳсулотларни истеъмол қилиши қийин кечади. Ишлаб чиқарувчи рақобатчилар орасида истеъмолчи томонидан ўз маҳсулоти танлашини истайди. Бу борада маркетингда товарларни гуруҳларга ажратиш ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Шу сабабдан маркетингда истеъмол эҳтиёжини қондириш борасида «бренд» атамасини турли ҳил товарлар орасида кераклигини ажратиш учун фойдаланилади. Маҳаллий бренд эса маҳаллий бозорлар хусусиятларини (қадрият, урф-одат ва бошқа) инобатга олишини талаб этади. Бренд корхона рақобатдошлигининг ташқи омилларига ҳам таъсир кўрсатиш имкониятини яратади.

Хорижий олимлар ишланмаларида брендинг бўйича, яъни брендни шакллантириш, ундан фойдаланиш, силжитиш борасида турли ҳил таърифлар келтирилган. Муаллифнинг фикрича, брендинг – маълум товарга узоқ муддатга устунлик яратиш бўйича фаолият тушунилиб, истеъмолчига нисбатан товар белгиси, қадоқланиши, реклама мурожаати, товарнинг рақобатчиларга кўра ажратиб турувчи устунликларини ифодалаш жараёни сифатида ўрганилган. Брендингнинг икки модели мавжуд бўлиб, улар инглиз – Америка (ғарб), иккинчиси, япон (шарқ) моделларидир. Ғарбнинг брендинг фалсафаси диверсификация билан ифодаланса, шарқ моделида эса марказлашиш, бирлашиш сиёсати кўпроқ намоён бўлади.

Ўзбекистон шароитида ўзига хос брендинг модели мавжуд бўлиб, етарлича тажриба бўлмаганлиги сабабли хорижий компания ёки товарлар брендида таклид қилиш, тўғридан-тўғри кўчириш, ғарб ва шарқ моделларининг аралашмасидан иборат ёндашувлар асосида шаклланган. Бу ҳолатлар брендингнинг технологиялари ва замонавий методологияларидан фойдаланиш доимий равишда истеъмолчиларнинг харид хоҳишлари ва мойилликларини маркетинг тадқиқотлари асосида ўрганишни тақозо этади.

Илмий назарий тадқиқотлар натижалари асосида бренд муаммолари бўйича жаҳон олимларининг фикрларини инобатга олган ҳолда, муаллиф томонидан маҳаллий бозор учун брендни шакллантириш ва ривожлантириш принципларининг тизимлаштирилган тартиби тавсия этилган (1-расм).



**1-расм. Брендни шакллантириш ва ривожлантириш принципларини тизимлаштириш<sup>7</sup>**

Брендни шакллантириш ва ривожлантириш принципларига кўра, Ўзбекистон истеъмол бозорининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда **брендингнинг** ҳам қуйидаги ўзига хослиги мавжуд:

брендларни англаш маданияти юқори бўлмаганлиги сабабли янги брендни яратиш ва уни бозорда қўллаш катта вақт ва молиявий ресурсни талаб этмаслиги;

ички бозорда истеъмол товарлари ассортименти янгиланиб бориш динамикасининг тез ўзгарувчанлиги истеъмолчиларни маълум савдо маркасига мойиллиги шаклланишига йўл қўймаётганлиги;

истеъмолчиларнинг хорижий брендларга нисбатан ишончи пасайиб бораётганлиги;

ички бозорда ҳали ишлаб чиқарувчиларнинг савдо маркасига истеъмолчилар томонидан тўла равишда ишонч билдириш йўқлиги;

бозорда маҳаллий брендни яратишда кенг реклама компаниясини ўтказишга эҳтиёж ўсиб бораётганлиги ва истеъмолчиларда рекламага ишонч юқорилиги;

маҳаллий истеъмолчиларда бренд тушунчаси асосан учта омилга боғлиқ эканлиги: ишлаб чиқарувчи мамлакат, қадокланиш жозибadorлиги ва товар маркаси;

реклама қилинишда миллий қадриятларимиз, урф-одатимиз ва бошқа маҳаллий хусусиятларини инобатга олиниши муҳим ўрин эгаллиги.

Сут ва сут маҳсулотлари бозорида брендларни шакллантириш ва брендинг стратегияларидан фойдаланиш корхонанинг бозор фаолияти самарадорлигини оширишга кенг имконият яратади.

Диссертациянинг «Сут ва сут маҳсулотлари бозорининг ривожланиш тенденциялари ва уларнинг брендга таъсири» деб номланган иккинчи бобида, жаҳон озиқ-овқат товарлари бозорининг ривожланиш тенденциялари ва

<sup>7</sup> Муаллиф ишланмаси.

уларнинг брендга таъсири, Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш борасидаги тадбирлар таҳлил қилинган. Ўзбекистондаги сут ва сут маҳсулотлари бозоридаги энг нуфузли брендларнинг ривожланиш тенденцияларини аниқлашга қаратилган маркетинг тадқиқотлари ўтказилган.

### 1-жадвал

#### Сут ва сут маҳсулотларининг истеъмол қилиниши<sup>8</sup> (кг), жон бошига


| Мамлакатлар  | 1995 й. | 2000 й. | 2005 й. | 2010 й. | 2015 й. | 2019 й. |
|--------------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|
| АҚШ          | 262     | 256,9   | 257,87  | 251,71  | 254,69  | 276     |
| Германия     | 435     | 225,7   | 249,03  | 258,15  | 258,7   | 364     |
| Франция      | 415     | 436     | 411     | 389     | 352     | 345     |
| Швейцария    | 348     | 400     | 367     | 381     | 406     | 415     |
| Россия       | 254     | 215     | 235     | 249     | 247,4   | 243,7   |
| Ўзбекистон   | 160     | 178     | 212     | 266     | 283     | 294,7   |
| Қозоқистон   | 229     | 235     | 303     | 298     | 285     | 264     |
| Қирғизистон  | 183     | 213,78  | 255,87  | 283,68  | 288,12  | 240     |
| Тожикистон   | 130     | 144     | 148     | 138     | 110,6   | 115,2   |
| Туркманистон | 178     | 249     | 297     | 365     | 391     | 454     |
| Япония       | 91      | 81,69   | 77,97   | 72,56   | 72,06   | 78      |

Сут ва сут маҳсулотларини сифатли, қиммат бўлмаган, рақобатдош маҳсулотларни ишлаб чиқиш бу соҳада фаолият юритаётган корхона ва тадбиркорларнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади. Кўп асрлар ушбу маҳсулотни истеъмол қилиш маданияти ҳар хил бўлган. Масалан, дунё бўйича сут ва сут маҳсулотларини истеъмол қилишнинг 80 фоиз ҳажмини фақатгина 10 та мамлакатда кузатиш мумкин.

Ривожланаётган мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда сут ва сут маҳсулотларига эҳтиёж юксалиб бориш тенденциясига эга. Ривожланган давлатларда сут ва сут маҳсулотларини истеъмол қилишнинг ўзи юқори, аммо давр ўтган сари талабнинг пасайиш тенденциясини кузатиш мумкин. Японияда сут маҳсулотлари амалда кам истеъмол қилинади. Бунинг асосий сабаби кўй, мол, эчкини боқиш имконсизлиги ҳисобланади. Улар ушбу маҳсулотлар камёблигини денгиз маҳсулотлари билан қоплайдилар.

Ўзбекистон Республикасида сут ва сут маҳсулотларининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2019 йилда 892,6 млрд.сўмни ташкил этиб, ўсиб бориш тенденцияси сақланган бўлсада (2-расм), умумий озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолидаги ҳиссаси 2010 йилдаги 0,8 фоиздан, 2019 йилда 0,6 фоизга қисқарган, пишлоқ маҳсулотлари истеъмоли эса деярли ўзгармаган.

<sup>8</sup> <http://www.fao.org/faostat/en/#data/CL>



**2-расм. Ўзбекистон Республикасида сут ва сут маҳсулотларининг сотилиши (овқатланиш корхоналарини қўшган ҳолда.)<sup>9</sup>, млрд. сўм**

Республикада сут ва сут маҳсулотларининг сотилиш тенденцияларига кўра, 2010-2019 йилларда сарёғ истеъмоли йилига ўртача 22,9 фоиз, сут ва сут маҳсулотлари 12,1 фоиз, пишлоқ истеъмоли эса 23,5 фоизга ошган. 3-расмдаги маълумотларга кўра, республика аҳолисини қайта ишланмаган сут истеъмоли пасайиб, пишлоқ ва қадокланган сут ва сут маҳсулотларидан қайта ишланган товарлар истеъмоли ошиб бормоқда. Бундай ҳолатни ривожланган мамлакатлар тажрибасида ҳам кузатиш мумкин, Ўзбекистонда сут ва сут маҳсулотлари бозорида таркибий жиҳатдан кескин ўзгаришлар бўлиши кузатилади. Ўзбекистондаги сут ва сут маҳсулотлари бозори ривожланиши эса мамлакатга кўплаб брендлар кириб келишини рағбатлантиради.



**3-расм. Ўзбекистон Республикасида сут ва сут маҳсулотларининг сотилиши, (олдинги йилга нисбатан фоизда) <sup>10</sup>**

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

Таҳлиллардан маълум бўлмоқдаки, сут ва сут маҳсулотлари ноэластик талаб хусусиятига эга, талабга нархнинг таъсири паст, аммо маълум маҳсулотлар таркибига эҳтиёжлар ўзгариши мумкин. Аҳолининг даромади ошган сари сифатли маҳсулотга эҳтиёжи янада ошади. Шу сабабдан, сут ва сут маҳсулотлари брендларига белгиланган принциплар қўйидагидан иборат бўлиши керак: озиқ-овқат хавфсизлиги талабларига катъий риоя қилиниши; халқаро стандартлар талабларига мос келиши; маҳаллий бренд мазкур ҳудуднинг кадрияти, маданияти ва тарихини ўзида акс эттирилиши лозим бўлиши; ташқи қиёфаси, дизайни, қадоқланиши замон талаблари ва маҳаллий урф-одатларига мос бўлиши; логотиплар аниқ, кўзга ташланадиган, эса қоладиган, ўзига жалб этадиган ҳолатда бўлиши; нархи арзонлиги ва ҳоказо.

Ўзбекистон бозорига юқори сифатли янги брендлар киритилмоқда, жумладан, Arla cheese, Castello, Puck ва бошқалар. Arla маҳсулотлари Европада «Halol» сертификатига эга кам сонли маҳсулотдир. Бу, ўз навбатида, маҳсулотнинг мусулмон мамлакатларида талабгор бўлишига имкон яратади. Arla ҳозирда дунё бўйича сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи йирик компаниядир. Шунингдек, сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида янги Essi бренди кенг ривожланмоқда. Янги брендинг умумий кўриниши (дизайни) ва шакли рақобатдош маҳсулотлар орасида ажралиб туришга ҳаракат қилинган. «Panda Milky» компаниясининг натурал (табiiй) йогуртига ҳам тегишли. Бироқ маҳаллий корхоналаримизнинг брендинг амалиёти хорижий брендлардан ўғирлаш ёки уларга тақлид қилиш ҳолатлари мавжуд. Масалан, «Доброе деревенское утро», «Молочный домик» номли сут маҳсулотлари Россия маҳсулотларига ўхшаб кетади ва рус тилида ифодаланган.

Ўзбекистон бозоридаги сут ва сут маҳсулотларини энг йирик ишлаб чиқарувчилардан бири «Nestle Uzbekistan» компанияси ҳисобланиб, Республика ҳудудида Тошкент шаҳри ва Наманган вилоятидаги 2 та фабрикада сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. 2013 йилда янги сут маҳсулотлари қайта жиҳозлангандан сўнг ишлаб чиқиладиган бошлади (Nestle SUTIM™, турли хил ёғлиқлик даражаларида, Nestle сарёғи, шоколад – сут коктейли Nesquik ишлаб чиқарила бошлади. Ҳозирги кунда «Nestle Uzbekistan» компанияси 22 турдан ортиқ сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. 2019 йили Франциянинг Lactalis компанияси Nestle Uzbekistan бизнесини сотиб олди. Албатта, бундай ҳолат Европа бозорига чиқиш имкониятини яратади, аммо миллий бренд бўлишдан ҳали йироқ. Ушбу муаммолар корхоналарда маркетинг стратегияси ва брендинг амалиёти қониқарли эмаслигидан далолат беради.

Истеъмолчиларнинг хоҳиш-истакларини ўрганиш, келажакда ассортимент сиёсатини белгилаш, брендинг стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадида диссертацияда уч йўналишда маркетинг тадқиқотлари олиб борилди. Сўровнома сут ва сут маҳсулотлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари ва компаниялар ўртасида, истеъмолчиларнинг орасида ҳам амалга оширилди. Тадқиқотда истеъмолчиларнинг даромадлари билан уларнинг харид қилинаётган маҳсулотлар ўртасидаги ўзаро алоқаларини белгилаб, шу асосда 4

гуруҳдаги истеъмолчиларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга эришилди.

Истеъмолчиларнинг ижтимоий келиб чиқиши ҳам сут ва сут маҳсулотларидан фойдаланиш даражасига бевосита боғлиқлигини 2-жадвал маълумотларидан кузатиш мумкин.

## 2-жадвал

### Истеъмолчиларнинг даромадини улар истеъмол қилаётган сут маҳсулотларига таъсири<sup>11</sup> (2019йил)

| Гуруҳнинг номланиши                 | Истеъмолчилар даромади, минг сўм | Ҳар бир гуруҳда сут маҳсулотларини истеъмол қилиши, кг |        |        |       |        |
|-------------------------------------|----------------------------------|--|--------|--------|-------|--------|
|                                     |                                  | Сут  | Творог | Қаймоқ | Катик | Йогурт |
| Тасодифий истеъмолчилар             | 1500                             | 41,1   | 23,6   | 12,9   | 11,8  | 10,6   |
| Анъанавий истеъмолчилар             | 1500-2500                        | 42,5   | 23,8   | 11,5   | 13,3  | 8,9    |
| Консерваторлар (диди ўзгармайдиган) | 2500-3500                        | 33,8   | 14,2   | 12,5   | 18,9  | 20,6   |
| Гурманлар                           | 3500 ва ундан юқори              | 32,9   | 14,1   | 11,4   | 19,1  | 22,5   |

Маҳаллий корхоналар брендлаш жараёнида фақат ўз моддий манфаатларини ҳисобга олади. Бироқ «бренд»нинг маркетинг тушунчаси истеъмолчилар онгида мавжуд, шунинг учун улар ҳам унинг қийматини аниқлаш жараёнига ҳисса қўшиши замонавий маркетингнинг асосий концепцияларини ташкил этмоқда. Истеъмолчи томонидан қабул қилинувчи қийматнинг юқори даражасини таъминлаш орқали корхоналар бренд қийматини максимал даражада ошириши мумкин. Бу кўрсаткичларнинг ошиши сут ишлаб чиқарувчиларда рақобатда устунликни таъминлаш ва қўшилган қиймат ошишига сабаб бўлади.

Истеъмолчиларнинг сут маҳсулотлари брендларига мойиллик дастурини шакллантиришда асосий эътибор истеъмолчиларнинг брендни ташкил этувчи элементларга муносабатларини аниқлашдир. Тошкент шаҳрида рақобатлашаётган жами 12 та сут ва сут маҳсулотлари брендларига истеъмолчиларнинг мойиллигини аниқлаш мақсадида муаллиф томонидан ўтказилган маркетинг тадқиқотлари натижалари мазкур брендларнинг рақобатда устунлигини аниқлаш имконини берди.

Мижозларнинг бренддан қониқишини баҳолашда қониқиш индексидан фойдаланиш тавсия этилади. Қониқиш индексини ҳисоблашнинг бир нечта усуллари мавжуд. Ҳисоблашнинг энг кенг тарқалган ва оддий усули, мижознинг қониқишини баҳолаш мезонини ҳисобга олган ҳолда қониқиш кўрсаткичларини қўшиш орқали амалга оширилади:

<sup>11</sup> Муаллиф томонидан 2019 йил январ ўтказилган маркетинг тадқиқотлари натижалари асосида тузилган.

$$S = \sum_{j=1}^n K_j W_{ij}, \quad (1)$$

бу ерда:

$S$ - миждознинг қониқиш индекси;

$K_j$ -  $j$  қониқиш кўрсаткичи;

$n$ -қониқиш кўрсаткичлари сони;

$W_{ij}$ - $j$  қониқиш бўйича оғирлик коэффициентлари (ўртача ёки мутлақ қийматлар асосида ҳисобланади).

Мижоз қониқиши бўйича ранг коэффициентлари Кендалл конкордация коэффициентлари ( $W$ ) асосида текширилади.

Мижозларнинг қониқиш индексини аниқлаш бўйича таҳлиллар «SPSS statistics» пакет дастурлари асосида қайта ишланиб, истеъмолчиларнинг брендга мойиллиги бўйича жами 30 та омилнинг аҳамиятлиси ажратилиб, текшириладиган 12 та брендга истеъмолчиларнинг мойиллик даражаси аниқланди (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Тошкент шаҳрида сут ва сут маҳсулотлари брендларидан  
истеъмолчиларнинг қониқиш индекси**

| №   | Мижознинг бренддан қониқиш индекси | Ўртача қийматлар (K) | Мижознинг бренддан қониқиш индекси (S) |
|-----|------------------------------------|----------------------|--|
| 1.  | Nestle                             | 4,87                 | 21,12                                  |
| 2.  | Мусаффо                            | 4,12                 | 17,85                                  |
| 3.  | Камилка                            | 3,76                 | 16,12                                  |
| 4.  | Essi                               | 4,40                 | 19,14                                  |
| 5.  | Доброе деревеньское утро           | 4,69                 | 20,31                                  |
| 6.  | Тоғ тонги                          | 4,47                 | 19,36                                  |
| 7.  | Шохимардон сути                    | 4,31                 | 18,68                                  |
| 8.  | Биосут                             | 3,72                 | 15,98                                  |
| 9.  | Favorit milk                       | 3,93                 | 17,01                                  |
| 10. | Молочный домик                     | 4,48                 | 19,41                                  |
| 11. | Мелик                              | 3,76                 | 16,15                                  |
| 12. | Издат сут                          | 3,94                 | 17,07                                  |

Сут ва сут маҳсулотлари брендларидан истеъмолчиларда энг юқори қониқиш индекси «Nestle» бренди бўйича аниқланмоқда (21,12). Кейинги ўрин «Доброе деревеньское утро» брендига тўғри келмоқда. Эътиборлиси энг юқори «Nestle» (21,12) ва энг паст қониқиш «Биосут» (15,98) брендлари ўртачасидаги умумий фарқ 5,14 коэффициентни ташкил этмоқда. Бундан маълум бўлдики, брендлар ўртасида кучли рақобат муҳити шаклланган бўлиб, сут ва сут маҳсулотлари бозорида брендлар фаол ҳаракат қилмоқда. Бундай ҳолат сут ва сут маҳсулотлари бозори самарали ривожланаётганлигидан далолат беради.

Респондентлар томонидан сут ва сут маҳсулотлари бозоридаги етакчи брендларнинг 30 та омиллардан энг аҳамиятлиси сифатида бренд ўзига хос

услугага эгаллиги, бренднинг таниқлиги, барқарорлиги ва ишончлилиги, уни деярли ҳамма дўконларда кузатиш мумкинлиги истеъмолчилар мойиллигини таъминлашдаги асосий омиллар сифатида ажратиб олинди. Бренд хусусиятлари бўйича истеъмолчиларни қониқиш индекслари натижалари брендга мойиллик дастурини шакллантириш мақсадида фойдаланиш имкониятини таъминлади, шунингдек, брендни илгари суришга қаратилган стратегик йўл хариталарини ишлаб чиқишга имкон беради.

Маркетингнинг асосий қондаси нафақат янги истеъмолчиларни жалб этиш, балки мавжуд мижозларни сақлаб қолишдан иборат. Бренднинг мойиллигини шакллантириш ва рағбатлантиришнинг турли нарх ва нархдан ташқари дастурлари бу муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Юқоридагилардан келиб чиққанда, сут ва сут маҳсулотлари бозорида корхоналарнинг кучли рақобат шароитида истеъмолчиларнинг брендга мойиллигини шакллантиришга доимий аҳамият қаратиши замонавий маркетингнинг асосий йўналишига айланган. Мойил мижозларга эга корхона барқарор даромад олиб, келажакда узоқ муддатли муваффақиятни таъминлайди.

Диссертациянинг **«Рақамли иқтисодиёт шароитида маҳаллий брендни шакллантириш бўйича маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш»** деб номланувчи учинчи бобида, товар белгисини кучли брендга айлантириш алгоритми тавсия этилган, бренднинг қийматини баҳолаш усуллари тавсифланган, сут ва сут маҳсулотлари бозорида маҳаллий корхоналарнинг бренд қийматини яратиш стратегияси ишлаб чиқилган ва унинг самарадорлиги аниқланган, брендга истеъмолчиларни мойиллигини оширишнинг асосий йўналишлари бўйича брендга мойилликни ошириш дастури ишлаб чиқилган.

Замонавий маркетингда истеъмолчиларни шахсийлаштиришга ёндашувлар барча корхоналар учун энг жозибадор бренд яратиш ва унинг жозибадорлигини оширишни талаб этмоқда. Маҳаллий корхоналар брендни ривожлантириш жараёни, унинг қийматини яратиш ва баҳолаш, уни тарғиб қилиш бўйича самарали фаолиятни таъминлаш, шунингдек, бренд яратиш ва унинг қийматини аниқлаш билан боғлиқ кўплаб муаммоларга дуч келмоқда. Ўзбекистондаги сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг брендни яратиш ва унинг қийматини ошириш бўйича етарли тажрибага эга эмаслиги уларнинг маркетинг фаолиятида янги ёндашувлар, воситалар ва бренд моделларидан фойдаланишни тақозо этмоқда.

Муаллиф томонидан йирик бренд компаниялари тажрибасининг таҳлили натижасида бренд сиёсатини юритиш принципларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистондаги маҳаллий ишлаб чиқарувчилар амалга оширилаётган товар сиёсатини, брендинг сиёсатига айлантириш, товар белгисини кучли бренд тариқасида юритиш сингари вазифаларни долзарблаштирмоқда.

Ҳозирги кунда бренд шунчаки товар ёки хизмат эмас. Балки бренд истеъмолчи учун ноёб ва жозибадор кўринишни ифодалайди. Унинг кадр-қиммати харидорнинг таниши ва унга боғлиқ ижобий таассуротлар билан баҳоланувчи номоддий активдан иборат бўлиб, брендни кучли, таниқли ва

машҳур қилади. Аслида, бренд шунчаки корхона ёки товарнинг номи, график тасвири (логотипи) ва мусиқий белгисидан иборат тижорат маркаси эмас. Харидор белги ёки маркани эмас, айнан брендни сотиб олади.

Шунинг учун бренд тушунчасидаги асосий урғуни харидорларнинг эргашишига қаратиш лозим, уларнинг хоҳиш-истаклари, мойиллиги, кўп ҳолатда виртуал жиҳатларга эътибор бериш керак. **Брендинг** – ўзида брендни яратиш, брендни бозорга йўналтириш, бренднинг ўзгарувчан шароитга мослашишини мужассам этган брендни бошқариш жараёнидир. Аммо бу жараёни бошқаришда, унинг самарасини таъминлашда бренд сиёсатини юритиш принципларини аниқ тасаввур этилиши лозим.

Бренднинг кучи истеъмол муҳитига ундаш таъсири даражаси билан ўлчанади. Бренднинг кучи бренднинг қийматини шакллантириб, у асосида маркали капитал (brand equity) ҳисоблаб чиқилади. Бошқача айтганда, бренд кучи синергия самарасига эга бўлиб, истеъмолчиларга турли омиллар орқали таъсир кўрсатади: брендга мойиллик, бренддан хабардорлик, бренднинг таъсирчанлиги, ўхшатиш ёки тасаввур этиш ва бошқа хусусиятлар.

Брендга мойиллик – асосан истеъмолчиларнинг психологик омили бўлиб, улар томонидан қайси брендга мойиллик беришлари, кўп брендлардан танлаб олиш жараёни бўлиб, юқори сифат, ишончлилиқ ва фойдаланишда барқарорлик, фойдаланишда узоқ муддатлик, нафлиликнинг ўзига хослиги, сервис, экологик нуқтаи назардан мослик хусусиятларини ўзида жамлаши лозим. Тадқиқот натижалари истеъмол мойиллигининг 5 фоизга оширилиши, умумий фойданинг 100 фоизга ошишига олиб келишини тасдиқлади.

Бренд ҳақидаги маълумотга эга бўлиш – истеъмол муҳитида савдо маркаси, унинг хусусиятлари, инновацион устуворликлари ҳақида маълумотга эга эканлиги, мақсадли аудиториянинг фоизи билан ўлчаниши мумкин. Сут маҳсулотлари бозорида, бундай таниқли брендларга «Камилка», Муссафо», Доброе деревенское утро» ва бошқаларни мисол тариқасида кўрсатиш мумкин.

